ЎЗБЕКИСТОН ХДП ДАСТУРИ ВА НИЗОМИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА

# МАҚСАДЛАРИМИЗ ОЛИЙЖАНОБ, ЙЎЛИМИЗ ЁРУҒ!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

халқимиз фаровонлигига эришишга қаратилганлигидан мамнунмиз.

Партиянинг кучи, энг аввало, унинг уюшқоқлигида, ташкилий жиҳатдан пишиқ-пухта тузилганлигида, деб бежиз айтилмайди. ХДПнинг тузилмаларида, Марказий Кенгашдан ташқари, 1 та республика (Қорақалпоғистонда), 12 та вилоят, 41 та шаҳар ва 170 та қишлоқ туман кенгашлари, 14 ярим мингтага яқин бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Партиямиз ташкилотлари тузилмаган шаҳар ва туманлар мамлакатимизда, умуман, йўқ, бундайин корхона ва маҳаллалар унда деярлик, қолмаган. Бошланғич ташкилотларимизнинг 40 фоизга яқинини бевосита маҳаллалар ва сайлов округларида фаолият кўрсатаётганлиги, партиямизнинг халқимиз билан мунтазам яқин алоқада бўлишидан, унинг орасида яшаётганлигидан далолат беради. Ҳа, у бежиз **халқ партияси** дейилмайдида!

Шу боисдан, айримларнинг халқ ичига кирайлик, деган даъватлари бизга бирмунча ғалати туюлади. Халқ билан ҳамиша бирга бўлиш, унинг дарди ва умид-орзулари билан яшаш, кундалик турмушда учрайдиган оғирини енгил қилишга хизмат қилиш ҳар қандай жиддий сиёсий партия учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Йўқса, у илдизсиз дарахтга ўхшаб қолади.

Албатта, партиянинг кучи унинг аъзолари ва ташкилотлари сони кўплигида (булар ҳам катта аҳамиятга эга бўлса-да) эмас, балки, унинг халққа таъсир кўрсата олишида, партиясизлар оммасини ўз ортидан эргаштира билишида, сайловчилар аксариятининг овозини олишга муваффақ бўлишида эканлигини биз яхши тушунамиз. Шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, мавжуд имкониятлар доирасида, ўз дастурий ғоя ва сиёсатимизнинг моҳиятини жамият аъзолари ўртасида кенг ёйиш мақсадида, аҳоли орасида мафкуравий, маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни устувор вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблаймиз. Партиямиз ташкилотлари ҳузурида тузилган «Маърифат» марказлари ва хоналари, тарғиботчилар гуруҳлари, мулоқот сиёсий клублари, ахборот бурчаклари, учта марказий матбуот нашри («Мулоқот» журнали, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари), 5 та вилоят партия кенгашлари ҳафталиклари, кўпгина бошқа воситалардан кенг фойдаланмоқдамиз.

Шулар туфайли, Ўзбекистон ХДП аҳоли ўртасида кенг танилди, кўплаб ватандошларимизнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлди. Ушбу фикримизни тасдиқлаш учун мамлакатда ўтказилган охирги — 1999 йил 5 декабрдаги ҳамда 2000 йил 9 январдаги умумий сайловлар натижаларига мурожаат этайлик.

Маълумки, ушбу сайловлар сиёсий рақобат аввалдагидан анча кўпайган ва жиддий тарзда кучайган вазиятда бўлиб ўтди. Айрим сайлов округларида битта депутатлик мандати учун 7-8 та номзод курашди. Сайловларда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари ва ташаббускор гуруҳлардан номзодлар кўрсатилганлиги ҳамда айрим оммавий ахборот воситалари, хусусан, республика телевидениесининг партиямизга нисбатан бирмунча нохолис йўл тутганлигига қарамасдан, натижа биз учун ёмон бўлмади. Партиямиздан кўрсатилган номзодлардан Олий Мажлисга (улардан 67 таси сайловлар арафасида ўз номзодларини қайтариб олишган...) 48 та, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига — 20 та, вилоят Кенгашларига — 220 та, шаҳар ва туман Кенгашларига 1970 та депутат сайланди. Ўз номзодини қайтиб олиш амалиёти давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига кўрсатилган номзодлар ичида ҳам кенг илдиз отди. Нима бўлганда ҳам шуниси диққатга сазоворки, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ХДПдан сайланган депутатлар сони бошқа барча сиёсий партиялардан сайланган депутатлар умумий сонидан анча кўп бўлди. Партиямиз парламентда энг йирик партиявий фракцияни шакллантириш имкониятини ўз қўлида сақлаб қолди.

Таҳлиллар депутатларимиз сони янада кўпроқ бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Турли, шу жумладан қатор маҳаллий партия ташкилотларининг оммавий-сиёсий, ташкилий ишларидаги хато ва камчиликлари каби, сабаблар боис, биз, ҳозирги натижаларгагина эга бўлдик. Эндиги вазифа — ана шу имкониятдан самарали фойдаланишдан иборат. Парламентчилик соҳасида кейинги йилларда орттирган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, Олий Мажлисдаги энг йирик партиявий депутатлар фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимизга таянган ҳолда, қонунчилик ҳамда минтақавий иқтисодий-ижтимоий дастур ва режаларни тайёрлаш ишида фаол иштирок этиш, қонунлар бажарилишини назорат қилишга кўмаклашиш, фуқароларнинг таклиф ҳамда шикоятлари асосида пишиб етилган муаммоларни ҳал қилишга ёрдамлашишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Шу ўринда, партиямизнинг республика Президенти сайловида фаол иштирок этганлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Бунинг сабабларини, яъни Ўзбекистон ХДП III Қурултойининг шу ҳақдаги қарори моҳияти ва аҳамиятини, сайловолди чиқишларда атрофлича тушунтирган эдик. Биз, бу ерда ушбу қадамни партиямиз мутлақо онгли равишда, унинг бутун масъулиятини тушунган ҳолда, қўйганлигини такрорламоқчимиз.

Охир-оқибатда, партиядан кўрсатилган муқобил номзод сайланмаган бўлса-да, бироқ, бизнинг партия бундан кам бўлмади. Яъни, агар кенг миқёсларда фикр қиладиган бўлсак, Президент сайловида фаол иштирок этишдан ХДП зарар кўрмади. Аксинча, сайловолди минбаридан туриб, партиянинг дастурий ғоялари ва жорий сиёсати кенг тарғиб этилди. Ташкилотларимиз бой тажрибага эга бўлдилар. Кўпларнинг фикрига кўра, ушбу сайловлар жараёнида Ўзбекистон ХДПнинг обрўйи ошди, унинг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланди. Энг муҳими, партиямиз мамлакатимиздаги демократик ривожланиш жараёнига ўзининг муносиб улушини қўшди. Бу билан партиямиз нафақат **демократия ғояларига**, балки, **унинг амалиётига** ҳам ўзининг **содиқлигини** намойиш этди.

Кўппартиялилик шароитида ХДПнинг мамлакатдаги бошқа сиёсий кучлар билан муносабати масаласи ҳам алоҳида долзарб аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон ХДП ташкил топган дастлабки пайтлардаёқ, у барча сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан, тенглик ва шериклик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини эълон қилиб, ушбу қоидага изчил амал қилиб келмоқда. Жумладан, сайловолди мавсумида партиямиз ўнга яқин жамоат ташкилотлари билан шартномавий негизда ҳамкорлик қилди. Бундай ҳамкорликнинг сайловлардан кейин ҳам давом этишини тажрибадан биламиз ва уни ривожлантиришга, албатта, ҳаракат қиламиз.

Партиямизнинг дастурий ғоя ва амалий фаолияти хорижда ҳам қизиқиш уйғотаётганлиги сир эмас. Мамлакатимизда аккредитация қилинган давлатларнинг элчилари, турли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари масъул ходимлари, республикамизга келаётган сиёсий партиялар делегацияларининг Марказий Кенгашга ташриф буюриши ва партиямиз вакилларининг чет элларда бўлиб, партиялар, парламентлар ва улардаги партиявий фракциялар тажрибаси билан танишуви анъанавий тус олди.

Ўтган йил октябрда бўлиб ўтган партия III Қурултойида Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастури ва ўзгартиришлар киритилган Низомининг қабул қилиниши, мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида олдимизда турган вазифаларни, ҳаракатимизнинг устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Партиямиз янги Дастурда ҳам миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, юртимизда демократик, адолатли жамиятни бунёд этиш, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг бахт-саодати учун курашиш унинг бош мақсад-муддаоси эканлигини таъкидлади.

Хуллас, мамлакатимиз тарихининг бурилиш палласида туғилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий ғоялари мафтункор, фаолияти серқирра, ҳаёти эса пурмаъно бўлмоқда. У охирги сайловларда яна бир бор жиддий синовдан ўтди. Улар давомида партия ғоявий бойиди, сиёсий жиҳатдан чиниқди ва, умуман, ўсди-улғайди.

Марказий Кенгашнинг февраль ойи охирларида бўладиган навбатдаги пленуми ташкилотимизнинг Ўзбекистон ХДП III Қурултойи қарорларини бажариш соҳасидаги ишларини, хусусан уларнинг мамлакатдаги ялпи сайловлардаги иштироки якунларини, ҳар томонлама таҳлил этиб, партиямизнинг янги таҳрирдаги Дастурида олға сурилган ғояларни рўёбга чиқариш ўзанларидаги яқин ва истиқболи вазифаларни белгилайди.

Уларни бажаришимизга шубҳа йўқ. Чунки, олийжаноб мақсадларимиз аниқ, йўлимиз ёруғ, куч ва имкониятларимиз етарли. Фақат, партиямиз зиммасидаги масъулиятни барчамиз теран идрок этиб, Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида самарали меҳнат қилсак, барча марраларга, Худо хоҳласа, етамиз.

■ **Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби**

ХОРИЖДАН ХАТ

# ЎЗБЕКЛАРНИНГ АЛП ОДИМИ

Муҳтарам ўзбек қардошларим!

Оллоҳ таолонинг инояти билан бундан саккиз йил муқаддам жаннатмакон юртингиз озодлик нурларига йўғрилди. Орзиқиб кутилган муқаддас дину иймонингиз ҳам қайтиб келди. Манқуртга эврилиб қолишдек кўргиликдан ҳам қутулдингиз. Табаррук она тилингиз — ўзбек забонингиз камситилишига чек қўйилди. Сиз гумроҳликка бошловчи ёвуз мафкуранинг тазйиқи ва жабридан халос бўлдингиз. Асрлар оша келаётган урф-одатларингизни, анъаналарингизни, иймону ахлоқингизни топтагувчи, қолаверса, сизни миллат сифатида тарихдан ўчириб ташлагувчи мустамлакачилик шовинизми ўзбек элидан чекинишга мажбур бўлди.

Сизга ҳавас қилса арзигулик Озодлик, Ҳуррият, Мустақиллик келди! Бундан-да буюк, бундан-да муқаддас ўзга бир бахтнинг бўлиши мумкин эмас! Сизга чинакам бахт кулиб боқди. Шунга ишончим комилки, бу бахтнинг қадрини йиллар ўтган сайин янада теранроқ англаб борасиз.

Бу ёвуз балою қазо қайтиб келмаслиги учун ана шу буюк Озодликни, Ҳурриятни ардоқлаб асрасангиз, унинг йўлида жон фидо қилишга шай турсангиз бўлгани. Биласизки, душман — маккор, ён-атрофингизга тийрак нигоҳ ташлаб, хушёрликни бой бермаслигингиз даркор.

Миллий тилни, бебаҳо қадриятларни, Озодлигу Ҳурриятни — ҳаммаҳаммасини дўстлар ила, қардош миллатлар ила қўлни-қўлга бериб, елкадош бўлиб узлуксиз кураш олиб боргандагина мангу сақлаб қолиш мумкин.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби билан танишиб чиққач, бу масалалар тўғрисида унинг ғоят теран қайғурганини кўриб, ичимга сиғмай қувондим. Ўзининг ушбу чуқур фалсафий асарида Мустақилликни, Озодликни мустаҳкамлаб, уни юксалтиришнинг ёрқин йўл-йўриқларини рўй-рост очиб берган. Мен ўзбек халқи тақдири ҳақида қайғурувчи бу теран асарни ҳар бир ўзбек фуқаросининг асл қўлланмаси, дастуруламали, деб ҳисоблайман. Ушбу машҳур асар биз учун ҳам, қимматли йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилажак.

Қадрли Ислом Каримовнинг ана шу китобида ўзбек халқининг миллий ғояси ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган. Бу буюк ғоя барча замонлар учун ҳам қимматлидир. Ўзбек миллатининг келажаги унинг миллий тили, миллийлиги ва бой тарихини юксалтириб, ардоқлаб сақлашу тарғиб қилишдадир. Унда миллий тилсиз, миллий онгсиз, динсиз, тарихий шуурсиз мустақил, озод давлат қарор топа олмайди ва яшаб ҳам кета олмайди, деган ғоя илгари сурилган.

Муҳтарам Президент бу миллий ғояни амалга ошириш йўлларини бир-бир санаб, тушунтириб беради. Мана улар:

— Ўзбек халқ тарихини мустамлакачилар, большевиклар ёпиштирган ёрлиқдан тозалаш, ўзбек элининг чин, ҳаққоний тарихини тиклаш;

— ўзбек халқининг асрлар оша келаётган руҳий-маънавий, маданий, фалсафий, адабий меросини мустамлакачилар тўнкаган ёлғонлардан поклаш ва бу меросни авлодларга етказиш;

— инсоният тарихида ўчмас ва теран из қолдирган буюк ўзбек алломалари ижодини жаҳон тамаддунига қиёслаш;

— ўзбек халқининг эркинлик, мустақиллик учун асрлар давомида босқинчиларга қарши олиб борган озодлик курашини ўрганиш ва тарғиб қилиш;

— ўзбек халқининг руҳий-маънавий, ахлоқий, миллий анъаналарини тиклаш;

— Ўзбекистон мамлакати тараққиётида инсоният тарихи яратган ютуқлардан кенг фойдаланиш;

— Ўзбекистон мамлакатини дунёда энг демократик, энг илғор мамлакатлар даражасига кўтариш ва ҳоказолар.

Биз идилбўйилик туркий бўлғорларнинг асрлар давомида илм олгани Бухорога қатнаган авлодларимиз. Мен шунга ишонаманки, биз азалий анъаналарга содиқ қолиб, шу мақсадларда яна қайтадан Ўзбекистонга йўл соламиз. Сиздан ибрат ва мадад олгаймиз, иншоолло.

Мустақил, Озод, демократик Ўзбекистон давлатининг дунёга келиши эндиликда бизнинг эзгу орзуларимиз ушалиши учун зўр таянч ҳам маёқ бўлиб туражак.

Эзгу йўлингда сенга омад тилайман, Озод Ўзбекистон!

■ **Аброр КАРИМУЛЛИН, Татаристон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.**







## ҚУЛАЙ ВА БЕЖИРИМ

*Мамлакатимизда истиқлол муҳри билан барпо этилаётган обидалар тобора кўпайиб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда. Охирги бир неча йилларда пойтахтда бўлмаган киши шаҳарнинг шунчалик ўзгариб, чирой очганидан ҳайратланиши табиийдир. Осмонга бўй чўзган замонавий иншоотлар, ўзбекона урф-одатларимизга мос қилиб қурилаётган тураржой бинолари, кенг кўчалар, кўприклар, аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш учун барпо этилган обидалар сўзимиз исботидир.*

*Аввало эътиборни тортадигани шуки, бу замонавий иншоотлар ўзимизда ишлаб чиқарилган материаллар, янги технологиялар асосида ва янги усулларда барпо этилмоқда.*

*Кейинги вақтларда барпо этилган бинолар олди ҳовлиларида, йўлакларида безакли ғиштлар ётқизилмоқда. Мана шундай безакли ғиштларни етказиб беришда пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган «Саноатқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли «Мультимат» минизаводининг ҳиссаси каттадир.*

*— Нафақат пойтахтимиз, балки республика бўйича мана шундай безакли ғиштларни Германия технологиялари асосида етказиб бермоқдамиз, — дейди цех бошлиғи Саидмаъруф Саидов. — Безакли ғиштлар ихчам, пишиқлиги ва ётқизилиши қулайлиги билан аввал қўлланилган бетон ётқизиқлар ва асфальт йўлаклардан ажралиб туради.*

*Янги қурилган иншоот ҳовлилари, йўлакларнинг баъзи жойларида вақт ўтиши билан ер чўкишлари учраб туради. Авваллари қўлланилган бетон ётқизиқлар ва асфальт йўлакларда бу ҳолат анча қийинчиликлар туғдирарди. Безакли ғиштлар қўлланилиши оқибатида бу муаммолар ортда қолди.*

*Ҳозирда минизавод бир кунда давлатга 700 кв.метр шундай безакли ётқизиқлар етказиб бермоқда. Келажакда эса иншоотлар устига замонавий шиферлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилади.*

**Суратларда: Ишчилар А. Чинаков, Д.Никифоров, минизавод бошлиғи С.Саидов ва мутахассис А. Колбасинлар келажакдаги ишлар тўғрисида суҳбатлашмоқда ҳамда безакли ғишт йўллар.**

■ **Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар**

## ЗАМОНАВИЙ ИЛМ ДАРГОҲЛАРИ

Ўтган йили Жиззах, Зафаробод ва Пахтакор туманларида замонавий касб-ҳунар коллежлари ишга туширилган эди. Айни пайтда бу коллежларда танлов асосида қабул қилинган 550 нафар йигит-қиз ўқиб, ҳунар ўрганмоқда.

— Вилоятимизда 2005 йилгача 43889 ўринга мўлжалланган 9 та саноат, 9 та қурилиш, 37 та қишлоқ хўжалиги, 3 та тиббиёт, 4 та педагогика ва 27 та маиший хизмат йўналиши бўйича жами 89 та касб-ҳунар коллежи ва 4 та академик лицей ташкил этилади, — дейди Жиззах вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Шарипов.

■ **Абдусаттор СОДИҚОВ**

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Фарғона шаҳрида очилган тез тиббий ёрдам маркази самарали фаолият кўрсатмоқда. 800 миллион сўмга яқин маблағ эвазига битказилган ушбу шифо маскани бир йўла 360 кишини даволаш имконини бермоқда. Бу ерда тиббиёт фанлари доктори, 6 нафар тиббиёт фанлари номзоди, кўплаб олий ва биринчи тоифали ҳакимлар, 1000 дан зиёд олий ва биринчи тоифали ҳамширалар меҳнат қилмоқда. Марказ АҚШ ва Германиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Миллий матбуот марказида «Экосан» халқаро жамғармасининг «Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови» қўшма дастури доирасида «Атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда атроф-муҳит муҳофазаси, аҳолининг экологик билим ва маънавиятини юксалтириш, экологик журналистиканинг алоҳида жиҳатлари ва муаммолари хусусида сўз борди. Шунингдек, атроф-муҳит ва экология мавзуини энг яхши ёритиш бўйича журналистлараро республика танлови Низоми ва танлов ҳайъати аъзоларининг таркиби кўриб чиқилди.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Бир неча йилдирки Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳридаги «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида унинг ишчилари, муҳандис-техник ходимлари, боринги, барчанинг ороми бузилди. Ҳиссадорлик жамиятининг аввалги раҳбари Урайимкул Ирисқулов, шу жамиятга фирибгарлик билан ин қуриб олган, иш жойининг тайини бўлмаган, Сайёра Жумабоева, шунингдек, собиқ директорнинг ҳамтовоғи, халқ мулкини талон-торож қилишган Маъруф Орзиқулов, Фурқат Маматов, Отабек Маматовлар олти йилдан ўн беш йилгача қамалиб кетишди. Шундан сўнг Роман Ли деган киши директор бўлди, у ҳам нафсини ҳаккалак оттирди шекилли, унинг ҳам ковуши тўғриланди. Сўнгра бу ерга Муҳитдин Шоматов директор бўлди. Ўғрига увол, фоҳишага ҳаё бегона эканлиги дарров аён бўлди, орадан бир йил ўтар-ўтмас Муҳитдин Шоматов ҳам қамоққа олинди.

Аслида корхонада бу ишларнинг олди олинса бўлармиди? Ҳа, талон-торожликнинг, порахўрликнинг олди олинса бўларди. Бироқ... Раҳбарларнинг райини қайтарган кишилар тазъйиқ остига олинди. Ҳамма бало корхонанинг иқтисодий ишлар бўйича директор муовини Тамара Ямшикованинг ўзбошимчалиги, ишни доимо ўз фойдасига ҳал қилишининг газак олиб кетишидан бошланди. Бу аёл директорга муовин бўлгандан сўнг кўпчилик софдил мутахассислар устидан «маълумот» тўплаш билан машғул бўлди. Собиқ директорнинг ишончига кириб олган Тамара Ямшикова ўз ташаббуси билан 1997 йилнинг 13 ноябрида 459-сон буйруқни «ижод» қилди, унга ҳатто директорнинг ўрнига ўзи имзо чекди. Бу буйруқ билан ўзига 10 минг сўм, Файим Шамсутдиновга 5 минг сўм, ҳатто буйруқ чиқишидан бир ойча аввал қамоққа олинган У. Ирисқуловга 20 минг сўм мукофот ёзди. Аммо буйруқни ижод қилишда на

1

касаба қўмитаси ва на ҳуқуқий маслаҳатчи билан маслаҳат қилди. Корхона касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Озод Хушназаров бу буйруқни рад этиш ҳақида қўмита мажлисини ўтказиб, қўмитанинг 1997 йил 16 декабрдаги 6-сон қарорини чиқарди. Бироқ корхона маъмурияти бу қарорга аҳамият бермади ва аксинча Тамара Ямшикова бошчилигида корхона касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Озод Хушназаровдан ўч олиш йўлини изладилар. Орада қамчидан ҳам қаттиқ ботадиган гаплар бўлиб ўтди, муросасиз баҳслар бошланди. Т. Ямшикова билан директор биргаликда Озод Хушназаровни кабинетга чақириб, яхшиликча ишдан кетиш тўғрисида ариза ёзишни талаб қилишди. Чунки Озод Хушназаров У. Ирисқулов директорлик қилган даврда ҳам, Роман Ли бошлиқ бўлиб ишлаган пайтларда ҳам, Муҳитдин Шоматов бу лавозимда ўтирган паллада ҳам корхонада ўғирлик, шифер ва бошқа маҳсулотларни енг ичида қиммат нархда пуллаш, давлат ва халқ мулкини талон-торож қилишга қаршилик кўрсатди.

## Фитнанинг

Ниҳоят у Ўзбекистон телевидениесининг 1998 йил 29 ноябрдаги «Таҳлилнома» кўрсатувида қатнашиб, корхонада содир бўлаётган барча қинғирликларни очиб ташлади. Ямшикова, Шоматов ва бошқаларнинг кирдикорларини фош этди. Бироқ раҳбарлар ҳам тинч ўтирмадилар. Улар Озод Хушназаровнинг бетоблигидан фойдаланиб, касаба уюшмаси низомининг тегишли талабларига хилоф равишда, «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси-

2

